

## Мулла Абдулбоқи тўра Мавлонхон тўра ўғли



**Мулла  
Абдулбоқи тўра  
Мавлонхон тўра  
ўғли**

19:00 / 21.12.2021 2272

Мулла Абдулбоқи тўра Мавлонхон тўра ўғли 1903 йил Наманган шаҳри, Чуқур кўча даҳаси (ҳозирги Хожам қабри маҳалласи)да зиёлилар оиласида дунёга келди. Насаби бир томондан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, иккинчи томондан эса хожа Имин эшонга (Шайхонтоҳур авлодлари) етиб боради.

Унинг отаси Мавлонхон тўра (1880-1937) ўша даврнинг кўзга кўринган илм аҳлларида бўлиб, шўролар даврида қатағон қурбони бўлган.

Абдулбоқи тўранинг бобоси Эшонхон тўра ва катта бобоси Имин хожа эшонлар ўз даврининг кўзга кўринган олими ва фозилларидан бўлишган.

Абдулбоқи тўра эл-юрт орасида Боқихон тўра исмлари билан машҳур бўлган. Шу боисдан ўқувчиларга халқ орасидаги исмлари билан таништиришни лозим топдик.

Боқихон тўра болалигидан зийрак, илмга ташна бола эди. У дастлабки диний таълимни отаси Мавлонхон тўрадан олади. Отаси Боқихон тўрадаги илмга муҳаббат ва салоҳиятни кўриб, уни Хўжа Амин мадрасасига ўқишга беради. У маълум муддат Умар Охунд қори домла хизматларида бўлиб, таҳсил олади. Боқихон тўра 16 ёшида ҳофизи Қуръон бўлиб етишади ва масжидда хатми Қуръонга имомликка ўта бошлайди.

Боқихон тўра тафсир, ҳадис, фикҳ ҳамда ақоид каби илмларини ўрганиш мақсадида, Собитхон тўра Абул-Маъоний (1866-1928) ва Кароматхон (1894-1984) эшон домлаларда таълимни давом эттиради. У устозларидан араб тили сарф ва наҳви, форсий ва туркий тилларни мукамал эгаллайди.

Афсуски, қатағон даври буларнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади. Шўролар 1937 йили отаси Мавлонхон тўрани Андижонда отувга ҳукм қилиб қатл этади. Уй жойларини эса мусодара қилиб юборади. Шафқатсиз давр синовларидан омонда қолиб, жуда оғир кунларни бошидан кечирган Боқихон тўра қийинчиликда улғаяди. Шундай бўлсада, Боқихон тўра таълим олишдан ва илм-маърифат тарқатишдан тўхтамади. Унинг қўлида жуда кўплаб аҳли илмлар таълим олиб, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига хизмат қилишди. Улардан бири Довудхон қори домла, тошкентлик Зокирхон қори домла ва мулла Абдулҳамид домлалар ва бошқалар.

Замондошлари Боқихон тўрани шундай хотирлайди: «Тўра домла халқ орасида обрў-эътиборли киши бўлсалар ҳам ўзлари камтар, самимий ва ҳалим киши бўлганлар. Боқихон тўрам Қуръон ва суннатни маҳкам ушлаган, илми ва тақводор киши бўлиб, фақирона ҳаёт кечириб умргузаронлик қилганлар».

Боқихон тўра 1991 йилда оламдан ўтдилар. У киши шаҳарнинг катта қабристонини «Мавлавий» мазорига дафн этилди.

Боқихон тўранинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Боқихон тўра амакилари Саид Бурхон тўранинг (вафоти 1922 йил) қизлари Сумайяхон ойим билан турмуш қурган. Улардан 4 та ўғил, 3 та қиз фарзанд бор.

Фарзандлари Иброҳимхон (1932-2019), Мубашширхон (1948), Камолхон (1954), Анасхон (1957-2020) тўралар[1].

***Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,***

***Чиноз тумани Олмазор қўрғони.***

[1] Ушбу маълумотлар Боқихон тўра авлодларининг шахсий архивидан олинди.